O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 9-AVGUST ■ SHANBA ■ 93 (27.113) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Эртага — Қурувчилар куни



ХОРАЗМЛИК КЎПРИКСОЗЛАР АҲДИ

Кучли шамол кўприксозларни бироз шошириб қўйгандек бўлди. Устунлар ва бетон плиталарни жойига ўрнатишда анча қийинчиликлар туғдирди. Лекин «Кўприккурилиш» трестининг 67-отряди кранчиси Турсунбой Бердимуродов учун шамолдан ҳайиқиш бўлмади. Асли шамоллар «маскан»и — Бекобод шаҳридан эмасми, у уни одатдагидек қабул қилди.

Аммо машинист бошқараётган баҳайбат «КИТО» русумли хориж кранига шамолнинг «хавфи» катта эди. Етмиш беш тонналик юкларни кўтаришга мўлжалланган бу улкан машина учун сокин ҳаво зарур. Ахир эллик тонналик юк босадиган кўприк балкаларини ўрнатиш осонми?

— Ўн беш йилдан буён «КИТО» бошқараман, — сўз бошлади у. — Ноёб машина. Кўп жойларда ишладим. Тошкентдаги кўприклар қурилишида ҳам қатнашдим. Қатор эстакадаларни пайвандлашда ўзимнинг ҳам, «КИТО»мнинг ҳам баҳоли-қудрат ҳиссамиз бор...

...Турсунбой ака Хоразмда илк бор ишлаётгани, кўприк қурилишида ишлаш ва яшаш учун шароитнинг яхшилиги, оиласига ҳар ойда ишлаб топган пулидан салкам юз минг сўм олиб бораётгани ҳақида ҳам сўзлаб берди.

Қурилиш отряди иш юритувчиси Хуррам Мусулмоновнинг айтишича, ҳар ойда у крани ёрдамида камида ўн беш миллион сўмлик иш бажаради. Бу ўртаҳолроқ бир корхона ёки бир хўжалик жамоаси бажарган иш билан тенг.

Шу кунларда Амударё узра поезд қатнайдиган кўприк қурилиши поёнлаб бормоқда.

— Саҳармардондан ишга киришамиз, — дейди Турсунбой ака. — Иш меъёримиз ўн икки соат — аммо биз ўн тўрт соатлаб ишлаяпмиз. Чунки, кўприк мустақилликнинг 12 йиллиги байрамигача тайёр бўлиши керак. Салкам бир километр узунликдаги бу кўприк фойдаланишга топширилгач, Хоразм вилоятидан республикамизнинг бошқа ҳудудларига қўшни давлат ҳудуди орқали эмас, балки шу темир йўл ва автомобиль кўприги орқали ўтилади. Демак, йўл қисқариб, вақт тежалади, шунингдек харажат ҳам камаяди.

Рўзимбой ҲАСАН

Суратларда: Турсунбой Бердимуродов «КИТО»си билан; кўприк қурилишидан кўриниш.

Жумабой ҚОЗОҚ олган суратлар

ХДП хабари

ТАҲЛИЛ ВА ТАВСИЯЛАР

Марказий Кенгаш Котибиятининг қарорига мувофиқ ўтказилаётган барча, шу жумладан, 1, 6 ва 7 август кунлари Термиз, Урганч ва Нукус шаҳарларида бўлиб ўтган, минтақавий ўқув семинарлари ўзига хос бўлмоқда. Уларда иштирок этган Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон республика партия ташкилотлари фаоллари ва ХДПдан сайланган депутатлар Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши V пленуми қарорлари бажарилишининг жойларда боришини таҳлил этдилар. Бу ҳақда Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов маъруза қилди. Мазкур минтақавий партия кенгашлари раҳбарлари Ҳ.Эрматов, Б.Бобожонов ва А.Асановлар маҳаллий партия ташкилотларининг МК пленумидан кейинги даврдаги фаолияти тўғрисида ахборот бердилар. МК масъул ходими С.Усмонов ўз чиқишларида ички партиявий ишларнинг долзарб масалалари хусусида тўхталиб ўтди.

Семинарларда мамлакатимизда содир этилаётган туб ўзгаришлар ҳозирги босқичининг, республика Вазирлар Маҳкамасининг 18 июлдаги мажлисида кўрсатиб ўтилган, муаммолари ечимини топишда, амалга оширилаётган парламент ислоҳотида партиянинг фаол иштирокини бундан буён ҳам таъминлаш, Олий Мажлис томонидан қабул қилинаётган қонунлар, ҳукумат қарорлари, ХДП дастурий ғоялари ва жорий сиёсатини аҳоли турли қатламлари орасида тарғиб қилишни кучайтириш ҳамда мазкур ишлар самарадорлигини ошириш масалалари ҳар томонлама кўриб чиқилди. ХДП барча тузилмаларининг Марказий Кенгаш пленуми, Сиёсий ижроқўм ва Котибият кўрсатмаларини ҳаётга татбиқ этиш, умумхалқ муҳокамасига қўйилган қонунлар лойиҳалари бўйича партиядошлар, кенг жамоатчилик фикр-мулоҳазаларини тўплаш юзасидан қилинаётган саъй-ҳаракатлари таҳлил этилди. Шунингдек, маҳаллий партия ташкилотларининг аҳоли, хусусан, сайловчилар ўртасида ишлаш, халқ депутатлари Кенгашларидаги ХДП гуруҳларининг салоҳиятини ишга солиш, сайлов округларидаги партиявий тузилмалар фаолиятини жонлантириш, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш борасидаги ижобий тажриба маъқулланиб, мавжуд хато ва камчиликлар танқид қилинди, уларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар берилди.

Ўқув семинарларида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Б.Қидирниёзов, Хоразм вилоят ҳокимлиги котибиятининг раҳбари К.Жуманиёзовлар иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ЭКСПЕДИЦИЯ ЎНИНЧИ САФАРДА

Бобур номли халқаро жамғарманинг илмий экспедицияси аъзолари ўнинчи сафарга жўнаб кетди.

Аждодларимиз хотирасини улуғлаш, миллий қадриятларимизни тиклаш, тарихий меросимиздан кўпчиликни баҳраманд этишда Бобур халқаро жамғармаси илмий экспедицияси кенг кўламдаги ишларни амалга оширяпти. Бобур ва бошқа улуғ шоиру олимларнинг бадиий ҳамда илмий асарларининг асл нусхаларидан намуналар келтириш, қатор китоблар чоп этиш бу борадаги ҳаракатлар маҳсулидир. Мамлакатимиз Президенти Олий Мажлиснинг XI сессиясида аждодларимиз хотирасини улуғлаш савобли иш эканлигини айтиб ўтдилар. Экспедициянинг ўнинчи сафари ҳам ўз олдига аниқ режаларни белгилаган. Жаҳонга танилган улуғ алломалар қабр-мақбаларини тиклаш, маънавий меросларини ўрганиш сингари қатор йўналишларда амалий ишлар бажариш мўлжалланган.

Экспедиция аъзолари сафар олдидан Бобурнинг рамзий қабр-мақбарасини зиёрат қилдилар. Шундан сўнг Афғонистон сари йўлга тушдилар. Экспедиция аъзолари Эронда ҳам бўладилар.

— Ноёб илмий натижаларга эга бўлишга ҳаракат қиламиз, — деди Бобур халқаро жамғармаси илмий экспедицияси раҳбари, Олий Мажлис депутати Зокиржон Машрабов. — Хорижда хоклари қолган аждодларимизнинг қабрларини тиклаш, ноёб санъат асарлари, турли китобларни топиш ва мамлакатимизга қайтариш бош мақсадимиз.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

СИЁСИЙ ТАЪЛИМ ВА ИНТЕРНЕТ

Давлат ва жамият қурилиши академиясида Конрад Аденауэр фонди ташаббуси билан «Сиёсий таълим тизимида интернет тармоғидан фойдаланиш» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда турли давлат ва нодавлат ташкилотлари, сиёсий партиялар, фидойи ёшлар клуби вакиллари ва бошқалар иштирок этдилар.

Давра суҳбатида Ўзбекистонда сиёсий таълим тизимида интернетдан фойдаланиш масалалари тўғрисида ҳам маъруза тингланди ва у қизғин баҳс-мунозарага сабаб бўлди. Маърузачи Next Ntcynology компанияси директори Омон Мўминов мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партияларни интернет тармоғида ўз сайтларини очишга чақирди.

Ўз мухбиримиз

ҚУРУВЧИЛАР КАСБ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНДИ

ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Назокат Усмонова). Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида қурувчиларнинг анъанавий касб байрами муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Бу ерга қурувчилар, муҳандислар, соҳа фахрийлари ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов йиғилганларни касб байрами билан табриклар экан, мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганини таъкидлади. Жумладан, айни кунларда Фарғонада улкан азот корхонаси, Амударё устидан автомобиль ва темир йўл кўприги қурилмоқда, Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон янги темир йўл йўналиши бунёд этилаётир.

Ватанимизнинг пойтахти Тошкент шаҳрида эса миллий ва замонавий меъморлик анъаналари уйғунлаштирилган ҳолда бир-биридан муҳташам ва гўзал бино ҳамда иншоотлар қад ростламоқда.

Қурувчиларимиз мустақиллигимизнинг 12 йиллиги байрамига мамлакатимиз кўркига кўрк, шукуҳига шукуҳ қўшадиган янгидан-янги иншоотлар, турар-жой бинолари, равон йўл ва кўприклар, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, тиббиёт муассасалари, боғ ва хиёбонларни туҳфа этмоқда. Пойтахтимизда қурилиши якунланиш арафасида бўлган кичик халқа йўлининг учинчи навбати транспорт қатновини тез, қулай ва бехатарлигини таъминлаши билан бирга йўловчиларнинг вақтини тежашда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда бунёдкорлик ишларида алоҳида ўрнак кўрсатган бир гуруҳ қурувчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Таниқли санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг байрам концерти кечага алоҳида файз бахш этди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов иштирок этди.

ҲУНАР ВА КАСБ — УМР ЗАРДЕВОРИ

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг узвий давоми — ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизими ривожига устувор вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. Шаҳарларда ва туманларда замонавий талаблар даражасидаги касб-ҳунар коллежлари сони тобора ортиб бораяпти. Чунки, эндиликда республикамиз халқ хўжалиги тараққиёти ана шу малакали ёш кадрлар салоҳиятига жуда-жуда боғлиқ. Қолаверса, Шарқда, хусусан Турон заминида аҳоли қадим-қадимдан фарзандларини болалигиданоқ касб-ҳунарлар этагидан тутишга ўргатган. Мамлакат ривожи ва эл-улус коридан келиб чиқиб, уларни энг эҳтиёжли касбларга йўллашган. Пировардида, турли касбли ҳунармандчилик сулолалари вужудга келган. Қисқаси, ота-боболаримиз ҳунарга тириклик пойдевори, таъбир жоиз бўлса, умр зардевори тарзида қараганлар.

Шу боисдан ҳам давлатимиз раҳбари Ислом Каримов шу йил 4 июнь куни Оқсаройда бўлиб ўтган мажлисда мазкур масалага яна бир бор жиддий эътибор бериб, кенг жамоатчиликни ёшларнинг касб-ҳунурли бўлишлари йўлидаги савобли ва хайрли саъй-ҳаракатларга даъват қилдилар.

2-бет

Анжуман

ТАДБИРКОР АЁЛЛАР «АХБОРОТ МАРКАЗИ»

Кеча Тошкентда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Тошкентдаги Маркази билан қўшма икки кунлик семинари ўз ишини бошлади.

Маълумки, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентдаги Маркази Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан биргаликда шу йилнинг июль ойидан бошлаб «Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш» қўшма лойиҳаси ўз фаолиятини бошлади. Лойиҳа асосидаги семинар Тошкент, Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Андижон, Сирдарё, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб ўтади.

Анжуманда ҳуқуқшунослик ва тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизлар ўқитилади, машғулотларни эса ЕХҲТнинг Тошкентдаги Маркази мутахассислари олиб боради.

Лойиҳанинг иккинчи қисмида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида тадбиркор аёллар учун «Ахборот маркази» очилади. Тадбиркор аёллар бизнес ва уни ривожлантириш жараёнида ҳуқуқий ҳужжатлар билан ишлаш, бошқа маълумотлар олиш имкониятига эга бўладилар.

«Ахборот маркази» уларнинг иш кўламини янада такомиллаштиришда муҳим омил бўлади.

Саида САЙХУН

ФЕРМЕРЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Жиззах. (ЎзА мухбири Тошқул Бекназаров). Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган навбатдаги мажлис қишлоқда ислоҳотларни чуқурлаштириш, фермер хўжаликларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга бағишланди. Унда фермерлар, қишлоқ хўжалик ташкилотлари раҳбарлари, мутахассислар иштирок этди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Бугунги кунга келиб вилоят қишлоқ хўжалиги тизимида фермерлар асосий кучга айланди. Айни пайтда 11 минг 400 фермер хўжалиги фаолият кўрсатяпти. Уларнинг сони йил бошидан буён 586 тага кўпайди.

Вилоятда фермерликни ривожлантириш учун 2003 йилнинг биринчи чорагида тижорат банклари 264,6 миллион сўм кредит ажратди. Бу йилги ғаллачиликда эришилган яхши натижалар ҳам фермерликнинг афзаллигини кўрсатиб турибди. Ғаллачиликда ҳосилдорликнинг олдинги йилларга қараганда кескин ошиши, ишлаб чиқариш харажатларининг камайиши тармоқда иқтисодий самарадорликнинг юксалишига олиб келмоқда.

Бироқ фермерларнинг тезроқ оёққа туриб олишига халақит бераётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Ошкора мулоқотда фермерларни қийнаётган ана шундай муаммоларни ечиш йўллари ҳақида сўз борди.

Мулоқотда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов, вилоят ҳокими У.Яманқулов иштирок этди.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI

Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!

ИМКОНИЯТЛАР КЕНГАЙМОҚДА



Суратларда: технолог Мўътабар Халилова; цехда иш қизғин.

Аҳолининг қандолат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда Тошкент шаҳридаги «Дилек интерпрайз» хорижий корхонасининг ҳиссаси катта бўлаяпти. Фабрика Италия ва Туркия ускуналари билан жиҳозланган. Бу ерда ҳозирги кунда маҳаллий хомашёдан тайёрланаётган ўн беш турдан ортиқ печенье, торт ва бошқа қандолат маҳсулотлари харидоргирлиги билан ажралиб туради.

Корхона ўз маҳсулотларини МДҲ давлатларига ҳам экспорт қилаяпти.

— Илгарилари фабрикамиздаги мавжуд ускуналарни туркиялик биродарларимиз бошқарарди, — дейди муҳандис-механик Фарҳод Бозоров. — Эндиликда эса оддий оператордан тортиб, олий маълумотли муҳандис ишини ҳам ўзимиз бажараяпмиз. Халқимизга манзур бўладиган маҳсулот ишлаб чиқариш учун корхонамизда кенг имкониятлар яратилган.

Ҳозирги кунда корхона ишчилари буюртмалар асосида меҳнат қилаяпти. Жорий йилнинг ўтган етти ойи мобайнида бу ерда 320 тонна, яъни 248 миллион 546 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва реализация қилинди.

Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Муносабат

Истиқлол. Истеъдод. Имконият

Инсоният босиб ўтган йўлларга кўз ташланса қайси соҳада бўлмасин тараққиёт, ривожланиш, юксалиш каби омиллар замирида билим олишдек ғоят машаққатли ва шарафли меҳнат мужассамдир. Донишмандлардан бири айтганидек, «билим буюкликдир». Уни эса таҳсил олиш ва тажрибада қўллаш кўникмасини эгаллаш йўли билан ўзлаштириш мумкин. Ҳозирги пайтда жаҳондаги барча миллатлар билим сарҳадларини эгаллашга интилмоқда. Зеро, фақатгина билим инсонга жамиятда ўз ўрнини топишга, маънавий ва ақлий жиҳатдан ўзлигини намоён қила олишга имкон беради. Шу сабабдан бўлса керак, тараққийпарвар мамлакатлар ўз келажагини, миллатнинг хавфсизлигини ва фаровонлигини, давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожини халқнинг билим даражаси ошишида, илму фан намояндалари етишиб чиқишида кўради.

Ҳукуматимиз томонидан жорий қилинган таълим тизими тараққиётига оид барча расмий ҳужжатларда асосий йўналишлардан бири сифатида истеъдодли ёшларга алоҳида эътибор бериш, уларнинг баркамолликка эришишлари учун лозим бўлган ҳамма шарт-шароитларни яратиш масаласи алоҳида қайд қилинган.

2-бет

BUSINESS BANK
БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

Ислом КАРИМОВ:

«Бизнинг минтақамизда азал-азалдан ҳунармандлик ривожланган. Тўқимачилик, миллий пойабзал тикиш, кулолчилик, амалий санъат, ганчкорлик, темирчилик, ўймакорлик билан шуғулланадиган кичик-кичик устахона ва дўконлар кўп бўлган. Аҳолининг асосий қисми шу касб-ҳунарлар билан банд бўлиб, уларнинг маҳорати авлоддан-авлодга ўтиб келган. Биз буни ёддан чиқармаслигимиз, бугунги дунё тараққиётидан келиб чиққан ҳолда уларни янги техник асосда қайта тиклашимиз лозим...»

Сўз — халқ усталарига

ҲАЗРАТ НАВОИЙ ТОПИБ АЙТГАНЛАР

Кулолчилик бизга ота-бобомиздан мерос. Шу боис, ҳозир олтинчи сулола сифатида нафақат Ғиждувон ёки Ўзбекистонда балки оиламиз билан хорижда ҳам танилдик. Биз отамиз — Ибодулла Нарзуллаев изидан бориб кам бўлмадик, шу касбимиз ортидан қадр топдик. 1996 йил «Дўстлик» ордени билан тақдирландим. Бултур мустақилликнинг ўн бир йиллиги арафасида «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси» деган юксак унвон эгаси бўлдим. Энг яхши ишларим билан Япония, АҚШ, Германия каби хорижий давлатларда ташкил этилган кўргазмаларда иштирок этдим ва совринли ўринлар олдим.

Ҳазрат Навоий топиб айтганлар:

Ҳунарни асрабон неткумдур охир,
ани туфроққаму олиб кетгумдир охир...

Мен ўз ҳунаримни ўнлаб ёшларга ўргатдим ва ўргатаяпман. Бугунги кунда Нарзуллаевлар мактабида ҳунар ўрганганлар билан фахрланаман. Ўғилларим, ука ва сингилларим ҳам ўз ишлари билан эл-юртга танилиб қолишди. Ёшларга тилагим: ҳунар ўрганинг, кам бўлмайсиз!

Алишер НАРЗУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Халқ устаси

ҲАЛОЛ ИШЛА, ҲАЛОЛ ТОП

Узоқ тарихдан маълумки, халқимиз фарзандларини ёшлигиданоқ касб ўрганишга жалб этган. Айниқса, қадимий ва навқирон Самарқандда бу борада қилинган ишларни асрлар юзини кўрган тарихий обидалар сўзлаб турибди.

Тўғриси, ҳунарнинг ҳикмати мавзуида матбуотда кўпдан буён тузукроқ мақола ўқимагандим. Яқинда, аниқроғи, мазкур газетанинг 10 июнь сонида шу ҳақда ўқиб қолдиму, тўлқинланиб кетдим. Мамлакатимизда асрлар оша авлоддан авлодга ўтиб келаётган касб-ҳунар турлари мустақиллигимиз шарофати билан янада ўз қадрини топаётганидан суюндим.

Биз учун ота касб бўлган нақкошлик, дурадгорлик каби ҳунарлар фарзанду невараларимизга мерос бўлиб қолиб, анъанага айланаётганидан қувонмай бўладими?! Ҳозир элликдан ортиқ шогирдим бор. Улар ҳам республикамизнинг турли жойларида фаолият кўрсатиб, юзлаб ёшларга ҳунар ўргатишмоқда. Ўзим улар билан бирга Тошкентдаги Хотира майдони, вилоятимизда қад ростлаган Имом ал-Бухорий, Имом Мотрудий ва Хоразм, Қашқадарё, Бухородаги қатор меъморчилик обидалари қурилишида (таъмирланишида) иштирок этганман. Шу ҳунар орқасидан ҳалол ишлаб, ҳалол тишлаб, 5 фарзандимни уйлик-жойлик қилдим, эл-юрт олдида ҳурмат топдим.

Ўрни келганда шуни айтмоқчиманки, бугунги авлодга ҳамма имкониятлар эшиги очиқ. Жаҳон талаблари даражасидаги касб-ҳунар коллежлари улар хизматида. Шундай экан, ҳунар эгалланг, кам бўлмайсиз...

Насрулло СОҲИБНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Халқ устаси

ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

Ёшликда ўрганган
ҳунар,
Ўзингга ўлжага қолар.

❖❖❖

Йигит кишига етмиш ҳунар ҳам оз.

❖❖❖

Ҳунар — хазина.

❖❖❖

Ҳунар кишини хор қилмайди.

❖❖❖

Ҳунарлик ўлмас,
Ҳунарсиз кун кўрмас.

❖❖❖

Ҳунарнинг ёмони йўқ.

❖❖❖

Ҳунарсиз кишининг қўли боғлиқ.

❖❖❖

Ҳунари бор иш билан,
Ҳунари йўқ гап билан.

❖❖❖

Ҳунарсиз анқов — ғаним учун ов.

Муносабат

ИСТИҚЛОЛ. ИСТЕЪДОД. ИМКОНИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Маънавий-марифий баркамоллик — инсоннинг энг юксак орзуси. Уни рўёбга чиқариш учун тинимсиз меҳнат, собитқадамлилик билан бир қаторда қўллаб-қувватлаш, ҳомийлик кўрсатиш ҳам муҳим ўрин тутади. Ёшларимиздаги ижодий салоҳиятни юксалтириш, истеъдодларга имконият яратиш, жаҳоннинг улкан илм даргоҳлари билан алоқа ўрнатишларига кенг йўл очиб бериш, илмий мактабларнинг тараққиётига алоҳида эътибор қаратиш, рағбатлантириш бугунги кунда мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш ва тажриба алмашув тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони бу йўналишда олиб бораётган ишларимизни янада ривожлантириш йўлида ташланган дадил қадам бўлди.

Истиқлол имкониятлари туфайли охирги икки-уч йил давомида Самарқанд давлат университети профессор-ўқитувчилари, талабаларидан 80 дан ортиқ киши хорижий давлатларда бўлди. АҚШ, Англия, Франциянинг турли университетларида таҳсил олиб қайтган О.Мўминова, Б.Осмонов, А.Бўронов, Ш.Мусаев каби ўнлаб ёшлар ҳозирги кунда турли жабҳаларда меҳнат қилмоқда. Шунингдек, кўплаб ёш олимлар хорижда малака ошириш курсларини ўташди, ҳамкасблари билан тажриба алмашишди. Университетда профессор-ўқитувчилар хорижга юборилишининг истиқболли режаси мавжуд бўлиб, ҳомийлик қилиш манбаларини кенгайтириш билан бир қаторда, ҳар бир сафарни мақсадли, аниқ йўналишдаги танлов асосида ташкил этиш тадбирлари белгиланган. Бундай танловда хориждаги университетларнинг маълум йўналишдаги салоҳияти, ҳамкорликка розилик бераётганларнинг педагогик ва илмий фаолиятидаги муайян ютуқларига алоҳида эътибор берилди. Жумладан, бизнинг ёш математикларимиз кўпроқ Германия, АҚШ, Италияда, биологлар Индиана, Париж-СЮД, Қуддус университетлари билан ҳамкорлик қилишади, иқтисодчи ва ҳуқуқшуносларнинг асосий ҳамкори Япония ва Германия университетларидир. Худди шунингдек, ахборот технологиялари соҳасидаги алмашинувлар Жанубий Корея, Испания ва Япония университетлари билан олиб борилмоқда.

Хуллас, хорижий ҳамкасблар билан ҳамкорлик, улар билан педагогик илмий ахборотлар алмашинувининг самарадорлиги мақсадли фаолиятни, изчилликни талаб қилади. Яқинда Президентимиз Фармони билан ташкил қилинган «Истеъдод» жамғармаси истиқболли ёшларга замонавий илғор билимларни эгаллаш ва жаҳон таълим даргоҳларида йиғилган илмий ва технологик тажриба билан танишиб, уни мамлакатимизда амалиётга татбиқ қилишни таъминлашга янги имкониятлар яратиб берди.

Жамғарманинг олдига қўйилган мақсад ва вазифаларнинг ўта муҳимлигини ҳамда долзарблигини қайд этиш билан бир қаторда, унинг ҳайъати иш унумини ошириш борасида назария ва амалиётнинг маълум йўналишлари бўйича халқаро семинарлар ўтказишга алоҳида эътибор беришлари зарур. Чунки, семинарларнинг мунтазам ўтказилиши ёш кадрларнинг билимларини чуқурлаштириш ҳамда уларнинг педагогик, илмий фаолияти мониторингини узлуксиз ўтказишни енгиллаштиради.

Ишончимиз комилки, «Истеъдод» жамғармаси мамлакатимиз интеллектуал салоҳияти ўсишига хизмат қилувчи омиллардан бири сифатида истиқболли ёш педагоглар ва илмий ходимларни тарбиялаш, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида таълим тизимида ўтказилган ислоҳотлар изчиллигини таъминлаш учун бевосита хизмат қилади.

Рустам ХОЛМУРОДОВ,
СамДУ ректори,
профессор

ҲУНАР ВА КАСБ — УМР ЗАРДЕВОРИ

«Ҳунарманд бўлмоқ — биз, қорақалпоқ халқининг ота-боболаримиздан мерос бўлиб ўтиб келаётган қадимий таомиллардан бири, — дейди Нукусдаги Қизкетген посёлкасида истиқомат қилувчи ҳунарманд Жандулла САТУЛЛАЕВ

Улар арава, эгар, кўза, кели, келисоб, ўтов, тегирмон, бешик сингари уй-рўзғор буюмларининг қай тури бўлмасин ўзлари ясашга уриниб келишган. Тўй-маъракаларда асқотадиган қўбиз, дутор каби миллий мусиқий асбобларни ҳам ўзлари ясашни афзал билишган. Мана, масалан, оддий чанқовузни олинг. Унинг қуйида халқимизнинг бутун бошли тарихи кўз олдингизга келади...

ЁШЛИКДА ЎРГАНСАНГ ЎЗИНГГА ЎЛЖА...

Ўзимнинг ҳаёт йўлимдан бир мисол: овулда ўсиб улғайдим. Отам мактабда оддий ўқитувчи эди. Дарсдан бўш вақтларини бекорга ўтказмасди. Уйда уй-рўзғор буюмлари ясашни хуш кўрарди. Бир куни мени чақириб: «Укувинг, қизиқишинг бор, устачиликни ўргансанг-чи?» — дедилар. Отамнинг даъвати сабаб бўлди-ю, дастлаб кели, келисоб (жўхори, буғдой ёки шоли сингари маҳсулотларни янчадиган буюм) ясашни ўргандим. Кейин-кейин отам иккимиз ёғоч қошиқ, ёғоч товоқ, бешик каби буюмларга ўтдик ва уйда устахона очиб олдик. Мижозлар кўпайди. Кимга элак керак, кимга ўроқ ё кетмон...

Йиллар ўтиб, бу касб-ҳунарларимни укаларимга, ўғилларимга ўргатдим. Ҳозир фарзандларим билан асосан дутор, рубоб, чанқовуз каби мусиқа асбоблари ясаяпмиз. Бундан бир неча йиллар олдин ўзим ишлаган дуторимни тўнғич қизим Клара ўрта махсус ўқув юртлари орасида республика миқёсида ўтказилган «Зийрак» кўрик-танловида ўзи чалиб, ўзи қўшиқ айтиб биринчи ўринни эгаллаганди.

Халқимиз «ёшликда ўргансанг ўзингга ўлжа» дейишади. **Менинг тилагим — ҳар бир ўсмир ёшлигидан бирор ҳунар эгагидан тутса дейман.**



ИШ УНУМИ — ҚЎНИМДА

дея гап бошлади, — растанинг 14-хусусий дўкони ҳунарманди (наққош) Камолиддин ШОМАНСУРОВ:

— Мен бундан 10-12 йил олдин Тошкентдаги 31-халқ амалий санъати касб-ҳунар билим юртини тугатганман. Ихтисослигим асли наққош-миниатюрачи. У ерда олган билимларим билангина касб жараёнларига бирданига кириб кетолмадим. Амалиёт керак экан. Уни устозларимдан ўргандим. Ҳозир устозим қўлида ҳам, Абул Қосим мадрасасида ҳам наққош-миниатюрачи бўлиб ишлайман ва дўконда савдо қиламан.

— Устозингиз қаердалар?

— Устахонада... Ишимиз ёмонмас. Буюмларимизнинг бозори чаққон. Топиш-тутишимиз яхши. Ҳукуматга раҳмат, ҳамма шароит бор... Мана, истиқлол шарофати билан касб-ҳунар коллежлари кўпайиб, гуррос-гуррос ёшлар ҳунарли бўлиш учун ҳаракат қилишаяпти, бу яхши, омадини берсин. Ҳунармандчиликда ном қозонган ота-боболарининг руҳлари қўлласин уларни... Давлат йўл очиб бердими, имкониятдан фойдаланиш керак.

— Камолиддинжон, мана ҳозир ўзингиз айтган коллежларни ҳар йили минглаб ёшлар битираяпти. Лекин, уларнинг ҳаммаси ҳам сиздек муқим бир ишга жойлашиб кетолмаётганлигининг сабаби нимада?

— Тўғри айтасиз, коллежлар қурилди, таъмирланди, ёшлар битираяпти... Лекин уларни ишга жойлаштириш масаласида баъзи жойларда «қўнжи тор» келаяпти. Қўлида ҳунари, дипломи билан иш излаб юрган ўспиринлар борлиги ҳақиқат. Бировлари у ер-бу ердаги хусусий қурилишларда ишлаб, тирикчилик ўтказишаяпти.

Ҳар бир бозор ўз талабларига эга. Касб-корлик, ҳунармандчилик бозорларининг ҳам... Масъул идораларда ўтирган «каттакон»лар ана шу талаблар билан қизиқсалар ва ҳудудларда ёш мутахассисга бўлган эҳтиёж салмоғини ўргансалар яхши бўларди. Шунда ёшлар кўчада қолмасди, ишсизлик кўпайишининг олдини оларди. Иш унуми қўнимда, ака... Қолаверса, «Ҳунари бор иш билан» деган гап ҳам бор.

ФИКР ВА ЗИКР

Халқимизда «бирни кўриб фикр қил, мингни кўриб зикр» деган нақл бор. Биз ҳам қорақалпоғистонлик ва тошкентлик икки дурадгорнинг мулоҳазаларини фикр билиб, улар юзасидан **Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази** ходимларидан зикр сўрадик. Марказ берган маълумотномада жумладан шундай сатрлар бор:

«...2001-2002 ўқув йилида битирувчи гуруҳлари мавжуд бўлган 120 та касб-ҳунар коллежларини 24510 нафар ўқувчи битирди... Жойлардан олинган маълумотларга кўра, 10 фоизга яқин битирувчи ишга жойлаша олмаган...

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида барча ҳудудларда иш берувчилар билан таълим муассасалари ўртасида шартномалар тузилмоқда. Марказ ва унинг ҳудудий бошқармалари тегишли ҳудудлардаги ишлаб чиқариш корхоналари (иш берувчилар) билан ҳамкорликда ёш мутахассисларни ишга жойлаштириш, шунингдек вилоят (шаҳар) миқёсида ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотига эга кичик мутахассисларга бўлган эҳтиёжни ўрганишни давом эттирмоқда.

Шу билан бирга, меҳнат бозори эҳтиёжини ўрганиш тизими ҳозирча такомиллашмаган. Касб-ҳунар коллежлари айрим соҳалар ихтисослиги ва ўқув гуруҳлари 25 кишидан кам бўлмаган ҳолда шакллантирилган. Қатор мутахассисликлар бўйича туманларнинг йиллик талаб ва эҳтиёжи ўртасида номутаносиблик вужудга келмоқда. Шу сабабли бундай мутахассисликлар бўйича коллежлар жойлашган ҳудудларда эҳтиёждан ортиқча мутахассис тайёрлашга тўғри келаяпти. Натижада, маълум миқдордаги битирувчиларга ўзлари яшаб турган жойларга нисбатан узоқроқдан иш таклиф қилинмоқда.

Бундан ташқари бозор иқтисодиёти шароитида кўпгина йирик ишлаб чиқариш корхоналари тўлиқ фаолият кўрсатмаётганлиги боис, битирувчи ёшларни ўзлари эгаллаган ихтисосликлари бўйича ўз вақтида ишга жойлаштиришда бир қатор қийинчиликлар сезилмоқда.

Мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўлида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг бандлик хизмати, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг жойлардаги ташкилотлари ва маҳаллий ҳокимликларнинг масъулиятини жонлантириш керак. Шунда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари ва ўқув юртлари ҳамкорлигида жойлардаги меҳнат бозорининг кадрларга бўлган эҳтиёжини ўрганиш механизми такомиллашади.

Қолаверса, ҳиссадорлик жамиятлари, ташкилотлар ва муассасалар ҳамда кичик ва ўрта бизнес корхоналари билан барча ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўртасида касб-корли ёшларни ишга жойлаштириш бўйича тузилган шартномаларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш юзасидан қатъий, изчил чоралар кўрилиши лозим...»

Кўриб турибсизки, ҳунарманд суҳбатдошларимиз билдирган фикрлар тўғри чиқди. Бу — Марказ маълумотномасида ҳам зикр этилаяпти. Ҳа, айтмоқчи, яна бир гап: ўша маълумотнома бошида шундай рақамлар ҳам келтирилган: **«2002-2003 ўқув йилида Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тасарруфидаги таълим муассасаларида 567666 нафар ўқувчи, жумладан 414 та касб-ҳунар коллежларида 299926 ўқувчи таълим олмоқда».** Табиийки, улар яқинда битирув имтиҳонлари топшириши. Қўлларига ўз ихтисосликлари бўйича мутахассислик дипломлари олишди. Энди ўз-ўзидан савол ҳам туғилади: Бу йил уларнинг қанчаси ишга жойлашди-ю, қанчаси аросатда қолди?

Ҳолбуки, меҳнат бозори эҳтиёжларини ўрганиш тизими ҳали тўла такомилига етмаганлиги, туманларда қатор мутахассисликлар бўйича йиллик талаб ва эҳтиёжлар ўртасида номутаносиблик мавжудлиги, касб-ҳунар коллежлари жойлашган ҳудудларда эҳтиёждан ортиқча мутахассис кадрлар тайёрланиб, уларнинг кўпи ишсиз қолаётганлиги ёхуд узоқ минтақалардан иш излаётганликлари, шунингдек, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида тизимга мослашган ишлаб чиқариш корхоналари тўла фаолият кўрсатмаётганлиги боис, ёшлар ўз ихтисослигига кўра ҳануз ишга жойлаша олмаётганликларини мазкур соҳага бевосита дахлдор вазирлик қошидаги Марказнинг ўзи тан олиб турибди-ку?!

Хўш, нима қилиш керак? Қандай амалий чора-тадбирлар кўрилмоғи жоиз?

Қани, ким жавоб беради?

Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ХДП ҳаёти

КАМАРБАСТАЛИК

Акмал Икромов туманида 96 та ХДП бошланғич ташкилоти мавжуд бўлиб, шундан 34 таси ҳудудий партия ташкилотлари ҳисобланади. Улар асосан маҳаллаларда фаолият кўрсатади. Маҳалла оқсоқоллари ва фаолларининг 70 фоиздан ортиғи партиямиз аъзоларидир. Сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётда фаол иштирок этиб келаётган партиядошларимиз «Обод маҳалла йили» тадбирларини ўтказишга ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Чунончи, маҳаллаларда болалар спортини ривожлантириш ишларига алоҳида эътибор берилаяпти. ХДП аъзоси Абдусамат Абдумаликов бошчилик қилаётган «Саккокий» маҳалласида болалар спорт майдончаси, сузиш ҳавзаси ишга туширилди, Саъдулла Иброҳимов бошчилик қилаётган «Оқмачит» маҳалласида ҳомийлар ёрдамида 6,5 миллион сўмлик лойиҳа асосида замонавий спорт майдончаси қурилди. «Бешқайрағоч» маҳалла раиси Тўлқин Ҳайдаров ва «Шодлик» маҳалласи раиси Собир Бўзиевнинг саъй-ҳаракатлари билан «Футболимиз келажаклари», «Маҳалламиз паҳлавонлари» спорт мусобақалари ўтказилди.

Маҳаллаларда маънавий ва маърифий ишларни ташкил этишда ХДП Акмал Икромов туман кенгаши ходимлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Қатор маҳаллаларда «Огоҳлик — давр талаби», «Гиёҳвандликка қарши кураш» мавзуларида ўтказилган учрашув ва суҳбатлар маҳалла аҳлининг янада ҳушёрроқ бўлишига бағишланди.

Аёлларнинг ҳуқуқий билимини, маънавий савиясини ошириш, тўйларни тежамкорлик билан ўтказиш борасида партия аъзолари «Катта Каъни» ва «Пахтакор» маҳалласи хотин-қизлар қўмитаси раислари Муҳаррам Юсупова ва Сайёра Салимовалар олиб бораётган ишлари диққатга сазовордир.

Тумандаги маҳаллалараро етти йўналишда ўтказилган танловда ҳам ХДП аъзолари бошчилик қилаётган жамоалар ютиб чиққани бежиз эмас. Ғолибликни қўлга киритган «Энг обод маҳалла» йўналиши бўйича «Ўрикзор» маҳалласи раиси Раҳим Нодиров, «Ибратли маҳалла оқсоқоли» йўналиши бўйича ғолиб Озод Ризаев, «Энг намунали маҳалла хотин-қизлар қўмитасининг раисаси» йўналиши бўйича ғолиб Муҳаррам Юсупова, «Энг намунали кўча» танлови ғолиби Мақсуд Иброҳимов партиямиз фаолларидирлар.

Хуллас, партиямиз аъзолари ўзларининг ташаббускорлиги, беминнат меҳнати билан маҳалладошлар ҳурматига сазовор бўлаётирлар.

Маҳмуд ЁҚУБОВ,
ХДП Акмал Икромов туман кенгаши биринчи котиби

ТАҲРИРИЯТДАН: Мақолада кўтарилган муаммоларга оид масалалар ечими долзарблигини инобатга олиб, биз ҳунармандчилик тизимидаги барча касб эгаларини: уста, устазода ва уларнинг шогирдларини, касб-ҳунарга иштиёқманд ёшларни, коллежларнинг талабаларини, пировардида, мазкур соҳада иш олиб бораётган тегишли идора, ташкилот ҳамда муассасаларнинг мутахассислари ёхуд мутасадди раҳбарларини бу борада ўз фикр-мулоҳазалари, мушоҳадалари билан фаол қатнашишларини сўраймиз.

Ёзинг, кўнгироқ қилинг.

Манзилимиз: 700000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририятига. Телефонлар: 133-20-36, факс: 133-12-56.

Тўртинчи ҳокимият

ҚАЛАМ

ЖУРНАЛИСТ ШАЪНИ ВА БУРЧИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Қалам — инсон ақл-идрокининг ифодаси. Унинг воситаси билан одамлар ҳаёти, дунёқараши ўзгаради, турмуш тарзи шаклланади. Саводсизлик-нодонликдан илм-маърифатга, зиёга, нурга йўлловчи ҳам қаламдир. У билан миллионлар кўнглига, онгига йўл топиш мумкин.

Қалам билан оппоқ қоғозга энг нозик ҳис-туйғулар, ҳаяжону қувончлар, юрак дардлари кўз ёшларидек тўкилади. Қалам — бу тарих, замон ва келажак. У қадим ўтмиш фожиаларидан тортиб ҳозирги кун янгиликлари, шодиёналари ҳақида ҳикоя қилади. Аждодларимизнинг қадимий китоби «Авесто» илм-ҳикмат хазинаси, исломнинг илоҳи нозил бўлган тенги йўқ муқаддас китоб — Қуръони Карим ҳам қалам билан битилган. Буюк Алишер Навоий, жаҳонга машҳур алломаларимиз ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек каби дунё маърифати ва илму фанига бебаҳо ҳисса қўшган боболаримизнинг ноёб асарлари қалам туфайли авлодларга ўчмас ва ўлмас мерос бўлиб қолган. Ўзбегимнинг ардоқли, бетакрор намояндалари Муқимий, Фурқат, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Мақсуд Шайхзода, Ойбек, Ғафур Ғулом каби алломалар яратиб кетган маънавий бойликлар ҳам қалам туфайли халқимизнинг бебаҳо мулки бўлиб қолди.

Қуръони Каримнинг «Қалам сураси»да инсон зотига Аллоҳ таоло ато этган буюк неъматлардан бири қаламдир, дейилган. Мазкур сура аслида «Нун» ҳарфи билан бошланади. Зероки, «Қуръон»нинг бир неча суралари ҳам ана шундай ёлғиз-ёлғиз ҳарфлар билан бошланиб, ислом уламоларининг фикрича, улар маънодан узилган ҳарфлар саналиб, мазмуни ёлғиз Яратгангагина маълумдир. Чунки ҳар бир даврнинг оқиллари томонидан яратилган барча ноёб битиклар ана шу муқаддас қалам каломи билан юзага келган — буюк алломалар битган кўҳна тарихимиз ҳам, наср-назмда яратилган ноёб, тенгсиз китоблар ҳам.

Ҳеч ёдимдан чиқмайди, бир куни онам «Қуръон»нинг «Қалам» сурасини ўқиб туриб: «Ўғлим, сенинг касби-коринг ҳам қалам билан боғлиқ. Шу боисдан ақл-фаросат билан ишлашинг даркор. Аммо шуни ҳам билгилким, сен ўзинг учун оғир касбни танлагансан, шундай бўлса ҳам у ғоят муқаддас ва шарафли касб. Сен қўлингдаги қалам билан, кўз нуринг, юрак кўринг билан кун кечиргайсан. Яна шуни унутмагинки, шоир, қаламкаш одамнинг ҳеч қачон бири икки бўлмаган. Шундай бўлса ҳам, энг муҳими, топган қалам ҳақинг ҳалол, баракали, кори-ҳолингга етади», деган эдилар. Волидаи меҳрибонимнинг сўзлари ҳамиша ёдимда. Умр бўйи қалам тебратдим, шу йўлда оила, энг муҳими, ҳаёт қурдим, виждон амри билан айтаманки ёмон яшамадим, топганларим она сутидек ҳалол ва покдир.

Биз ўша тоталитар тузум шароитида қалам тебратдик. Собиқ иттифоқ даврида газеталарда ишлашнинг нақадар қийинчилигини кекса авлод қаламкашлари жуда яхши билишади. Газеталар узундан узоқ маърузалар, нутқлар, бунинг устига марказий газеталардан кўчириб босилган мақолалар ва бошқа расмий материаллар билан тўлиб чиқарди. Ўша тонготар кечалар ҳали ҳам кўз олдимдан кетмайди. Собиқ марказдан берилган топшириқлар, кўрсатмалар асосида газета чиқарардик. Мана энди, ҳозирги истиқлолимиз давридаги газеталарни кўриб, матбуотда энди ишлайдиган давр келди, деб қўяман, ҳозирги ёшларга ҳавасим келади.

Энди матбуот эркин, мусафо, ўтган замонлардагидек чеклашлар, таъқиблар йўқ. У давлат, халқ эътиборида ва қонун ҳимоясида. Буни ҳар куни кўриб, ҳис этиб турибмиз. Шу йил матбуот ва ОАВ куни муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишни олайлик. Матбуотимиз фахрийлари ва бугунги истеъдодли ёшлардан бир гуруҳига мамлакатимиз Президентининг махсус совғалари топширилди. Бундай эътибор ва эътирофни илгари кўрганмизми? Бу истиқлолимиз туфайлидир. Шу боис истиқлолимизнинг қадрига етайлик. Уни биз неча йиллар орзиқиб кутдик, кураштик, бу йўлда не-не машаққатлар чекмадик. Қонли инқилоб, очарчилик, қатағон йиллари, тоталитар тузумнинг ҳақсизликлари, «халқ душмани», «пахта иши», «ўзбек иши», деган тавқи лаънатлар, миллатимиз бошида «демокил қиличи» ярқираб турган даврларни, барча-барчасини бошдан кечирдик. Истиқлол бизга Аллоҳнинг беқиёс марҳамати, иноятидир. У ўзбекнинг мўътабар, меҳрли онаси, миллатнинг жисми-жони, руҳи-равони, муқаддас, ҳалол, она сутидек покизадир. Истиқлол хиёнатни, риёкорликни, ҳаром-харишликни, ёлғон-алдовларни ёқтирмайди. Уни ҳамиша огоҳ бўлиб, зийраклик билан ғаламислардан, туҳматчилардан, турли таъна тошларидан сақлайлик, эъзозлайлик, қадрлайлик.

Биз журналистлар ҳам қўлимиздаги муқаддас қаламни ҳамиша покиза сақлашимиз ва бунинг учун фақат ҳақиқат, ҳақиқатни ёзишимиз лозим. Адолат, ростгўйлик, яхши ният билан қалам тебратмоғимиз даркордир. Баъзан кўр-кўрона, шахсий манфаат йўлида ноўрин танқидий ёки ижобий мақола ёзиш касбимизга хиёнатдир. Газетани пок дил, ҳалол қўл билан чиқармоқ керак. Ўз манфаати йўлида газетадан фойдаланган қаламкаш, у ким бўлишидан қатъи назар, нопок, ўз касби-корига хиёнат қилган, газетадек муқаддас даргоҳга доғ туширган инсондир. Қўлдаги муқаддас қалами — каломни жамият ва одамлар зарарига ишлатмоқ ўта кибрликдир. Қаламкашлик касбига қўполроқ қилиб айтганда, хиёнатдир.

Биз янги ҳаёт — истиқлолнинг нурли йўлидан шаҳдам қадамлар билан келажакка интилмоқдамиз. Аммо Президентимиз айтганларидек: **«...Етмиш йил давомида қон-қонимизга, суяк-суягимизга сингиб кетган одатлар, яъни ҳокимият фаолиятига танқидий кўз билан қарашнинг йўқлиги, ҳаётда амалдорларнинг айтгани-айтган қабилидаги эскича кўникмалардан халос бўлиш оғир кечмоқда. Шунинг учун ҳам бугун журналистлардан ишимизга халақит бераётган ана шундай асоратларни бартараф этиш, жамиятимизда эркин фикр муҳитини қарор топтириш йўлида белни маҳкам боғлаб хизмат қилиш талаб этилмоқда».**

Муҳтарам Президентимизнинг касбимиз байрами муносабати билан биз журналистларга йўллаган табрикномаси одатдаги байрам қутловигина эмас, балки замон тақозоси, истиқлолимиз талаблари асосида қўйилган янги вазифалардир. Демократик жараёнларни яна ҳам ривож топтириш, мураккаб муаммоларни оқилона ечиш, журналистикамизнинг собиқ тоталитар тузумдан қолган ва ҳозиргача сақланиб келаётган айрим камчиликлардан қутулишига чорловчи даъватдир.

Ҳамиша камтар бўлиш, ўз мансаб даражасини суиистеъмол қилмаслик, халқ дарди-ғами, эҳтиёжларига қулоқ бериш журналистнинг муқаддас бурчи ҳисобланади.

Отам дер эдилар: буюк одам пастда ўтирса ҳам улуғлигича қолаверади. Шуни унутмайликки, ҳалоллик ва камтарликнинг ўзи улуғворликдир.

Куни кеча Юртбошимиз Бухоро ва Самарқанд вилояти фаоллари билан бўлган учрашувда ҳам матбуот ҳақида тўхталиб, журналистларни хато-камчиликлар, муаммолар ҳақида дадил, изчил ёзишга даъват этди. Матбуот кучи журналист меҳнатига катта баҳо берди. Бу айтилган гаплардан хулоса чиқаришимиз, янада ҳушёроқ, ғайратлироқ бўлишимиз керак эмасми? Мамлакат раҳбари қўллаб-қувватлаб, ғамхўрлик кўрсатиб турган бўлса, яна нима керак?.. Менимча, яна бир нарса етишмаётганга ўхшайди. Бу — қаламга, касбимизга ҳурмат, садоқат, фидойилик.

Мақсуд ҚОРИЕВ

ЭЛЧИХОНА ЁПИЛАДИ

Ироқнинг ташқи сиёсат билан шуғулланувчи маҳкамаси Минскдаги ўз элчихонасини ёпиш ҳақида Белорусия Ташқи ишлар вазирлигига нота жўнатди. Элчихонани қачон ёпиш муддати ҳали белгиланмаган, дея хабар беради Белорусия Ташқи ишлар вазирлигининг ахборот бўлими бошлиғи Андрей Шупляк «Новости» агентлиги журналистига.

Унинг сўзларига қараганда, Ироқ ҳақиқатан ҳам ҳозир ҳарбий ҳолатда. То мукаммал ҳукумат шакллангунча Белорусияда ўз ваколатхонаси фаолият юритишига унчалик эҳтиёж сезмайди.

ЎЛИМ ЖАЗОСИГА МАҲКУМ ЭТИЛДИ

Бултур октябрда Индонезиянинг Бали оролида террорчилик акти содир этилишида айбдор деб қўлга олинган Амрози бин Нурхазийм Индонезия суди томонидан ўлим жазосига маҳкум этилди.

Эслатиб ўтамиз: Амрози ташкилотчилигидаги бу портлаш оқибатида 202 киши ҳаётдан бевақт кўз юмган, уларнинг кўпчилиги эса хорижлик сайёҳлар эди.

Бин Нурхазийм 41 ёшда бўлиб, асли Ява оролидан, механик. У Бали оролидаги террорчилик иши бўйича жазоланган биринчи жиноятчидир. Мазкур ишни кўриб чиқишга жалб этилган барча прокурорлар шу йил 27 июлда унга ўлим жазоси берилишини талаб қилишганди.

Reuters берган хабарга кўра, суд хавфсизлик чоралари ўта кучайтирилган бинода бўлиб ўтди. Айбланувчи суд залига бронланган автомобилда олиб келинди. Суд жараёни давомида бинони 550 га яқин қуролланган полициячи ва ҳарбийлар қўриқлаб турди.

Дарвоқе, иккинчи айбдор Абдул Азиз суд ҳукмини кутиб ётибди. Прокурорлар унга ҳам ўлим жазоси берилишини талаб қилишмоқда.

СОБИҚ ПРЕЗИДЕНТ ВА БОШ ВАЗИР ПОРАХЎРЛИКДА АЙБЛАНМОҚДА

Замбиянинг собиқ президенти Фредерик Чилуба лавозимдалиги пайтида 29,7 миллион долларни ўзлаштириб юборганлиги учун қамоққа олинган эди. Унга 64 та модда бўйича айблов эълон қилинган. Энди у суд олдида жавоб беради. Бу ҳақда эск-президентнинг адвокати Роберт Симеза Reuters мухбирига хабар қилди.

Чилубага қарши айблов кампаниясини Замбиянинг ҳозирги раҳбари Леви Мванаваса бошлаган.

Дарвоқе, Чилуба 1991 йилдан 2001 йилгача мамлакатни бошқарган.

Порахўрликда айбланган давлат бошлиқларидан яна бири Покистоннинг собиқ бош вазири Беназир Бхутто хоним ва унинг турмуш ўртоғи Азиф Зардоридир.

Яқинда Швейцария суди икковини айбли деб топди ва 6 ойга шартли равишда озодликдан маҳрум этиб, 50 минг доллар жарима билан «сийлади».

BBC хабарига кўра, Бхутто иши бўйича тергов ҳаракатлари Покистон ҳуқуқий идоралари томонидан ҳам олиб борилмоқда. Шунинг учун ҳам 1997 йили Бхуттонинг Швейцария банкларидан биридаги ҳисоб ҳужжатларини текшириш бўйича тергов бошлаб юборилди. Бундай амалиёт Швейцарияда иккинчи марта қўлланилиши. Биринчи марта Филиппин диктатори Маркос иши бўйича текширув-тергов ўтказилганди.

Эслатиб ўтамиз: Бхутто 1988-1990 ва 1993-1996 йилларда Покистон бош вазири бўлган. Ҳозир у Лондонда яшамоқда, дейилади «Газета Ru» сайтидаги хабарда.

БМТга АЪЗО БЎЛИШ УЧУН

Тайван тарафдорлари мамлакатни БМТга аъзо қилишларини сўраб ўн биринчи марта мурожаат этдилар.

Гап шундаки, Тайваннинг БМТга аъзо бўлишини қўллаб-қувватлаб, 15 давлат вакили БМТ Бош котиби Кофи Аннанга меморандум ва резолюция лойиҳасини тақдим этди. Бу ҳақда Гамбия элчиси Криспин Грей-Жонсон Reuters мухбирига маълум қилди.

Мазкур масала шу йил сентябрда БМТ Бош ассамблеясининг янги сессиясига тайёргарлик жараёнида кун тартибига киритилади. Уни сессияда муҳокама этиш учун Ассамблея бош қўмитасининг резолюцияси қабул қилиниши лозим.

БАҒДОДДА ПОРТЛАШ

Бағдоддаги Иордания элчихонаси атрофида содир этилган портлаш 14 кишининг умрига зомин бўлди, 30 га яқин киши эса турли даражада тан жароҳати олди, дейилади «Ал-Арабия» телеканали хабарида.

Қурбон бўлганлар орасида Иордания элчихонасининг 4 соқчиси, элчихонани қўриқлаётган Ироқ полициячилари, дипломатия ходимлари ва элчихонага иш билан келганлар бор.

Қатарнинг «Ал-Жазира» телеканали мухбири воқеа шоҳидлари берган манбаларга асосланиб маълум қилишича, дастлаб элчихона гранатамётдан ўққа тутилган, сўнг эса миналаштирилган автомобиль портлатиб юборилган.

Ирландия кўчаларида

Суд мустақиллиги

ТАСДИҒИНИ ТОПМАГАН «АЙБЛОВ»

ЁКИ СУД ТОМОНИДАН ИККИ МАРТА ТЕРГОВГА ҚАЙТАРИЛГАН «ЖИНОЯТ ИШИ» ВА ОХИР-ОҚИБАТ ҲАРАКАТЛАРИДА ЖИНОЯТ ТАРКИБИ ЙЎҚЛИГИ УЧУН АЙБСИЗ ДЕБ ТОПИЛГАН УЧ НАФАР МИЛИЦИЯ ХОДИМИНИНГ БОШИГА ТУШГАН САВДОЛАР ХУСУСИДА

«Савдо»ларнинг бошланиши 2000 йилнинг 22 июль кунига тўғри келади. Ўша куни Бахмал туман ички ишлар бўлимининг хизматдаги уч нафар ходими туман прокуратурасига чақирилди. Прокурор Фарҳод Турсунов ҳали ҳеч нарсадан хабари йўқ осойишталик посбонларини дўқ-пўписа билан қарши олди. Учаласини ҳам «порахўрсанлар, 18 июль куни «Нурли Қуёш» ижара ширкатлар бирлашмаси ғалла қабул қилиш пункти мудири Умирзоқ Исаевдан 200 минг сўм пора олгансанлар» дея айблади. Шу тариқа 06-229 рақамли жиноят иши пайдо бўлди ва 5 сентябрь куни туман ички ишлар бўлими жиноят-қидирув бўлинмаси ходимлари Давлат Аллаев, Акбар Эгамбердиев ва участка нозири Алишер Қозоқовлар ҳибсга олинди.

Туман прокуратураси терговчиси Б.Пакиров прокурорнинг «буйруғи»ни бажаришга енг шимариб киришди. Хирмон мудири У.Исаев, милиция ходимлари Д.Аллаев, А.Эгамбердиев, А.Қозоқовлар, ишга алоқадор бўлган ва бўлмаган кишилар қайта-қайта сўроқ қилинди. Ҳужжатлар кундан-кунга кўпайиб, «дело» қаппайгандан-қаппайиб бораверди ва охир-оқибат У.Исаев, Д.Аллаев, А.Эгамбердиев, А.Қозоқовларни айблаш бўйича қўзғатилган жиноят иши терговчининг ажабтовур айблов хулосаси билан ниҳояланди. Сўнг бу хулоса прокурор томонидан тасдиқланиб, кўриб чиқишлик учун вилоят судига юборилди.

Судда эса ... Судда «иш»нинг хомлиги билиниб қолди. 2000 йилнинг 27 ноябрь куни вилоят судининг ажрими билан жиноят иши қўшимча терговга қайтарилди. Ажримга вилоят прокуратураси томонидан протест киритилиб, у республика Олий суди Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига юборилди. Ҳайъатнинг 2001 йил 31 январдаги ажрими билан протест қаноатлантирилмади.

Шундан сўнг жиноят ишини қўшимча тергов олиб боришлик учун Ғаллаорол туман прокуратураси ихтиёрига ўтказишга қарор қилинди. «Иш» туман прокуратураси терговчиси Қаҳҳор Маллаев қўлига келиб тушди. Ҳаммаси бошидан бошланди: яна чақир-чақир, терга-терга... Яна суд.

Бу сафар ҳам айблов хулосаси юзакилиги учун вилоят суди томонидан яна терговга қайтди. Бу гал ҳам аввалги ҳол такрорланди: ажримга вилоят прокуратураси томонидан протест киритилиб, у вилоят жиноят ишлари бўйича суди кассация инстанцияси коллегиясига юборилди. Вилоят жиноят ишлари бўйича суди кассация коллегиясининг 2001 йил 11 октябрдаги ажрими билан бу протест ҳам қаноатлантирилмади ва «иш» яна қўшимча терговга ўтказилди.

Ва ниҳоят жиноят иши юзасидан тўпланган материаллар билан қайтадан танишиб чиққан терговчи Қаҳҳор Маллаев 2002 йилнинг 30 июль куни жиноят ишини тугатиш ҳақида қарор қабул қилди: унда жумладан, шундай ёзилган: **«айбланувчилар Д.Аллаев, А.Эгамбердиев, А.Қозоқовларнинг айби бўлса-да, лекин ҳозирги пайтда уни исботлашнинг имкони бўлмаганлиги ва ... уларнинг ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли 06-229 рақамли жиноят ишининг Д.Аллаев. А.Қозоқов ва А.Эгамбердиевларга тегишли бўлган қисми Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 83-моддаси 2-банди билан ҳаракатдан тугатилсин».**

Хулосага ва қарорнинг матнига эътибор беринг: айбланувчиларнинг айблари бор экану, лекин ҳозир уни исботлашнинг имкони йўқ эмиш... Шу ўринда «нега?», «нима учун?» деган ҳақли саволлар пайдо бўлиши табиий. Қарорни қайта-қайта ўқиганингиз билан бу саволларга жўяли жавоб тополмайсиз. Аммо ундан маъно-мазмунига кўра бири-бирига тўғри келмайдиган, ҳатто бири иккинчисини инкор этувчи жумлаларни истаганча топишингиз мумкин. Тавба, агар айбдорнинг айби бўлса, бу исботланиши лозим. Ахир бу терговчининг вазифаси эмасми? Инчунун, бизда суднинг қарори ёки ҳукми билан айбдор деб топилмаган фуқарони айбдор, жиноятчи деб ҳисобланмаган кишини жиноятчи деб аташ учун ҳеч кимга ваколат берилмаган.

Шундай бўлса-да, шуларни билса-да, терговчи ўзининг хатти-ҳаракатларини, балки кимларнингдир (албатта касбдошларининг) қилмишларини зўр бериб хаспўшлашга уринадики, буни қуйидаги жумлалардан ҳам билиб олиш қийин эмас: **«...айни пайтга келиб айбланувчиларнинг қилмиши ўзининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганлиги, вазият ўзгарганлиги сабабли айбланувчиларни айблаб, қайта судга юборишнинг имкони бўлмаганлиги сабабли...»**

Энди узундан узоқ гапнинг охиридаги мана бу жумлаларга эътибор қилинг: **уларнинг ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли...**

Бизнингча, терговчи гапни узоқдан эмас, шундан бошлагани маъқул эди. Ахир, 06-229-рақамли жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 83-моддаси 2-банди билан ҳаракатдан тугатилганлиги бор гапку. Ушбу модданинг мазкур бандида эса **«унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса»** деб ёзиб қўйилган. Буни қарорнинг индаллосидаёқ тан олинса бўлмасмиди? Ҳуқуқий давлат барпо этаётган эканмиз оқни оқ, қорани қора деб аташни қачон ўрганамиз?

Шу ўринда диққатингизни судья Н.Қўшбоқов раислигида 2001 йил 27 август куни бўлиб ўтган Жиззах вилоят жиноят ишлари бўйича судининг ушбу жиноят ишини иккинчи бор терговга қайтариш ҳақидаги ажримидан олинган қуйидаги кўчирмага қаратмоқчимиз: **«Дастлабки тергов органи томонидан олиб борилган тергов ишларида ҳақиқатни аниқлаш таъминланмасдан тергов ҳаракати ўта юзаки, бир томонлама, фақат айблов томонига оғишган ҳолда олиб борилган, шу юзасидан шошма-шошарлик билан барвақт, иш ҳолатига тўғри келмайдиган хулосага келинган».** Бу — терговнинг сифатига суднинг баҳоси!

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1999 йил 24 сентябрдаги «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти» тўғрисидаги пленум қарорида **«Пора берганлик тўғрисида ихтиёрий равишда хабар берганлик бир вақтнинг ўзида мансабдор шахс томонидан пора олингани ҳақида ҳам хабар ҳисобланади, шу сабабли судлар ЖКнинг 237-моддасига биноан ёлғон хабар берганлиги учун жавобгарлик тўғрисида аризачига тушунтирган-тушунтирилмаганлигига эътибор беришлари зарур»** дейилган.

Бахмал туман прокуратураси ходимлари эса бу ўринда У.Исаевдан Д.Аллаев, А.Эгамбердиев, А.Қозоқовларга 200 минг сўм пора берганлиги ҳақида ариза олмасдан фақат оғзаки арз билан кифояланганки, бу ҳақда 2000 йил 24 июль куни айбини бўйнига олиш тўғрисида тузилган арз баённомасида алоҳида қайд этилган. Унда Умирзоқ Исаев «2002 йил 18 июль куни соат 14 ларда милиция ходимлари Акбар Эгамбердиев, Давлат Аллаевлар 16 июль куни Қурбон Тожибоевга ғалла сотгансан, энди бизга 200 минг сўм берасан, бермасанг, жиноий жавобгарликка тортиласан» деб қўрқитганлигини, нега чақириб, МТС қишлоғида яшовчи фуқаро М.Аҳмедовга нисбатан қамаладиган қилиб (керак бўлса чўнтагига наркотик модда солиб) материал қилиб келишимиз лозимлигини айтди. Бизлар унга «бундай ноқонуний ҳаракат қилолмаслигимизни» айтдик. Шунда у «ҳали сизлар қонуний ишлаб қолдиларингми, кўрамиз, агар айтганимни қилмасаларинг ўзларингни қамайман» деб хонасидан ҳайдаб чиқарди. Орадан бироз вақт ўтар-ўтмас бошимизга шу кўргиликлар тушиб турибди. Ҳақиқатда эса мен У.Исаевдан «пора олган» 2000 йил 18 июль куни соғлигим бўлмаганлиги сабабли ишга бормаганман, тўғрироғи Самарқанд шаҳридаги шифохонада бўлганман. Буни тасдиқловчи ҳужжатлар «иш»да бор. Афсуски, рад этиб бўлмайдиган далиллар тергов жараёнида инобатга олинмади. Янаям ачинарли томони шундаки, тергов пайтида, қамоқ шароитида тазйиқ остида бизлардан ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёздириб олинди. Бахтимизга одил суд «иш»нинг ҳар жиҳатини пухта ўрганиб, таҳлил қилиб, адолат тарозисига солиб одилона иш тутди. Шунинг учун ҳам кимларнингдир «фатво»си билан ўйлаб топилган айблов хулосаси тасдиғини топмади. Акс ҳолда учаламиз ҳам узоқ муддатга қамалиб кетишимиз ҳеч гап эмасди».

Бир йилга яқин қамоқ изоляторида сақланган уч нафар милиция ходимининг гапларини тингласангиз таажжубдан ёқа ушлайсиз. Ахир, жамоада яхшигина обрў-эътиборга эга бўлган (бунга биз туман ички ишлар бўлими ходимлари билан суҳбатлашганимизда амин бўлдик) ёш, умидли осойишталик посбонлари ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, бор-йўғи бир кишининг ёлғон-яшик кўрсатмаси билан ишдан кети-и-иб турса... Бунисиям майлия, тергов изоляторида азоб-уқубат чекса ... Севимли иши, қадрдон касбидан ажралиб сарсон-саргардонликда юрса... Наҳотки, қилғиликни қилганлар (балки малакаси етишмагандир, балки кимларнингдир қутқусига учгандир), вақтида оқни қорадан, ҳақни ноҳақдан ажратишнинг уддасидан чиқолмаганлар бугун ҳеч нарса кўрмагандай, ҳеч нарса бўлмагандай бемалол юрса... Ҳеч ким уларга мушугини «пишт» демаса... Ноҳақ қилинган бундай хатти-ҳаракат натижасида бир эмас уч кишининг, яна қонун ва адолат посбонларининг, шунча муддат тергов изоляторида ётганини қандай баҳоласа бўлади? Бундай «фаолият» учун ҳам жазо бордир ахир?!

Тўйчивой ҲАЙИТАЛИЕВ — вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари:

— Тўғриси, ушбу жиноят иши юзасидан ўтказилган дастлабки тергов ёш, малакасиз терговчи томонидан шошма-шошарлик билан амалга оширилди. Натижада милиция ходимларининг айбларини вақтида исботлаш имконияти бой бериб қўйилди. Бундай аҳволнинг юзага келишига сабабчи бўлганларга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилди.

Маҳмуд ИСКАНДАРОВ — жиноят ишлари бўйича вилоят суди раисининг ўринбосари:

— Нимаям дердим... Жиноят иши билан танишиб чиққан киши ундаги чалкашликлар, қарамақаршиликларни кўриб «терговни билимдонлар олиб боради» деган гапнинг ҳақлигига ишонмай қолиши аниқ.

Рустам БОБОЖОНОВ — адвокат:

— Айбланувчининг ҳаракатида жиноят аломати йўқми, демак, у жиноятчи эмас. Шундай экан, бировни жиноятчи деб айблаб, уни ойлар давомида турма изоляторида ушлаб турганлар ўзларининг хатти-ҳаракатлари учун қонун олдида жавоб беришлари шарт.

Айтишларича, дастлабки терговни олиб борган терговчи Б.Пакиров кейинчалик таъмагирликда айбланиб, соҳадан четлатилган, айблов хулосасини ўзининг жимжимадор имзоси билан тасдиқлаб юборган прокурор Ф.Турсунов эса бугун қўшни Сирдарё вилоят прокуратурасида, қўшимча тергов ўтказган терговчи Қ.Маллаев Жиззах вилоят прокуратурасида фаолият кўрсатаётир.

Бу ёқда эса... Бу ёқда уч нафар айбсиз айбдор, уч нафар милиция ходими ишсиз. Улар қарийб уч йилдан бери ҳақиқатнинг эгилсада синмаслигига ишониб, адолатнинг тантана қилишига умид қилиб елиб-югиришаяпти. Ахир, адолат бор эканки, жиноят ишидаги айблов хулосаси судда тасдиғини топмади, ҳақиқат устувор эканки, ҳар учаласининг ҳам айбсиз эканликлари исботланди.

Яна бир ҳақиқатни алоҳида таъкидлаш ўринли деб ўйлаймиз.

Бир пайтлар бунақа ҳом ёки «заказной» ишлар суддан сипсиллиқ ўтиб кетаверарди. Энди эса суд мустақиллигига амалда эришилаяпти. Буни ҳаётнинг ўзи кўрсатаяпти.

Уч йил муқаддам кимларнингдир масъулиятсизлиги, уқувсизлиги, қатъиятсизлиги, борингки, ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари сабаб бўлиб бошланган бу ажаб савдоларга вилоят прокуратурасининг янгиланган бугунги раҳбарияти ўз муносабатини билдиради деган умиддамиз.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ҳикматли сўзлар маъноси

Заргар ишини мискар ўнғай санайди

Баъзи кишилар ўз касбларини оғир деб, бировларга ҳасрат қилиб, айни замонда ўз кўнгилларида фахрланган, мақтанган, керилган бўлиб юрадилар, бошқаларнинг касб-ҳунарини (гарчи аслида бу қийинроқ бўлса ҳам) осон фаҳмлаб, менсимайдилар. Мазкур мақолни шундай одамларга нисбатан киноя тарзида қўллайдилар. Ақл-идрокли одамлар эса, бунинг аксинча: «Сизники — сизга осон, Бизники — бизга осон», дейди.

Зарурга — зарур, нозарурга — не зарур?!

«Зарурга — зарур, Киракашга не зарур?!» (киракаш — аравасига одамларнинг ўзини ё юкини ортиб, бир манзилдан иккинчи манзилга элтиб қўювчи. Киракаш пул топиш, тирикчилик ўтказиш учун ўз хоҳишидан ташқари, мажбуран шу ишни қилаётганини гарчи билиб турсалар ҳам, бу мақолни шунчаки кулги учун, жўрттага: «Аравага ўтирган ё юкини ортган одамнинг-ку мўлжаллаган манзилига бориши зарур-а, аравани инқиллаб-синқиллаб тортаётган ё қийналиб ҳайдаётган, кучини, вақтини, асабини сарфлаётган киракашга нима зарур?!» деган маънода айтганлар). Юқоридаги мақолларни ўзига кераксиз ишлар билан шуғулланадиган, кучини, вақтини зое кетказадиган одамларга нисбатан гоҳ ҳазил йўсинида, гоҳ жиддий маънода айтилади.

Зар қадрини заргар билар

«Зар қадрини заргар билар, Чилангар нени билар?!» (чилангар — косибларнинг асбоб-ангорини ясовчи темирчи уста); «Эр қадрини эр билар, Зар қадрини — заргар»; «Зар қадрини заргар билар, Забаржад қадрини — савдогар» (забаржад — пистоқи ранг қимматбаҳо тош); «Зар қадрини заргар билар, Олтин қадрини — маҳак» (маҳак — олтинкумушларга суртилганда уларнинг тоза-нотозалигини ажратадиган тош); «Гул қадрини — булбул билар»; «Гул қадрини билмаган — булбул қадрини не билсин?!»; «Ош қадрини оч билар, Кийим қадрини — яланғоч»; «Гавҳар қадрини кўр билмас»; «Заҳмат қадрини заҳматкаш билади». Бу мақоллар билан: «Ҳар бир нарсанинг қадр-қимматини, оғир-енгилини, паст-баландини, яхши-ёмонлигини ўша нарсага бевосита алоқадор бўлган одамларгина яхши биладилар, бевосита алоқадор бўлмаган, кўрмаган, билмаган, иши тушмаган одамлар унинг қадрини ҳам, яхши-ёмонлигини ҳам, оғир-енгиллигини ҳам билмайдилар, фаҳмлари ҳам етмайди», дейилмоқчи.

Зарар кўрмай, фойда қайда?!

Ҳаётнинг қонуни шундайки, ҳар нарса — бир нарса ҳисобига бўлади. Масалан, хамиртурушсиз хамир ошириб бўлмайди, томизғисиз қатиқ қилиб бўлмайди. Хуллас, киримга эришмоқ учун бироз чиқим қилишга, фойдага эришмоқ учун бироз зарар кўришга тўғри келади. Мазкур мақол билан: «Ҳамонки бир нарсага эришмоқчи бўлган экансан, бу мақсад йўлида кўриладиган озгина зарардан, қийинчиликдан чўчима, мард бўл, дадил ҳаракат қил, кўзлаган мақсадинг учун керак бўлса маблағингни, кучингни, вақтингни ва ҳ.к.аяма», деган маънода насиҳат қиладилар. «Зарурат тушса, зар тўкилади» деган мақол ҳам шу маънода қўлланади.

Мавзуга қайтиб

ТАЁҚНИНГ ИККИНЧИ УЧИ

Газетамиз таҳририятига Қашқадарё вилоятидан «Китоб» ширкат хўжалиги аъзолари М.Раҳимов, О.Ҳасанов, Ш.Аллаев, Г.Насруллаев, С.Раҳимова, Б.Арзиевлардан хат келди. Унда жумладан шундай дейилади:

«Ширкатимизда 1218 гектар ер мавжуд бўлиб, шундан 568 гектари токзор, 66 гектари мевали боғ. Ана шу ерда 1610 киши меҳнат қилиб, рўзғор тебратаяпти. Ҳар бир ишчи ҳисобига 0,76 гектардан ер тўғри келади. Аҳоли кўп, ер етишмайди.

Аҳвол шундай бўла туриб, 1996 йилнинг апрель ойида Китоб туман ҳокимлигининг тазйиқи билан 3,1 гектар мевали боғ 100 минг сўмга 70 ёшли нафақахўр Маҳмудов Бойназарга хусусийлаштириб берилди. 1998 йилда яна 14,7 гектар олмазор боғ ҳам унинг ўғли Акбар Маҳмудовга оилавий пудрат қилиб берилди. А.Маҳмудов туман ҳокимининг 2000 йил апрель ойидаги қарори билан 3,1 гектар хусусий боғ ҳисобидан «Диёр» фермер хўжалигини тузди. 14,7 гектар боғ учун ички шартнома муддатини 10 йилга узайтириб олди. «Оилавий пудратчи» деган жойга «Диёр» фермер хўжалиги муҳри босилди. Шунда қизиқ аҳвол вужудга келди. Бир қарасангиз пудратчи, яна қарасангиз — боғни ижарага олган бўлиб чиқаяпти. Бу масала умумий йиғилишда кўриб чиқилмади, ишсиз қолган одамларнинг норозилигига қулоқ солинмади.

Хўжалик учун 147 тонна олма етиштириб бериш мажбуриятини олган фермерга 2000 йилда 605 минг сўм мукофот ҳам берилди. Шундан кейин у шартнома шартларини буза бошлади. 2001 йил 7 июль куни ҳали шартнома режаси 34 фоиз бўлгани ҳолда 6,9 тонна олмани шахсий фойдаси учун сотиб юборганда туман ички ишлар бўлими ходимлари томонидан ушланди. Шунда А.Маҳмудовнинг ягаси сотилган маҳсулот учун хўжалик хазинасига 345 минг сўм пул олиб келиб, тўлади. Шу йили шартнома бўйича олма топшириш 72 фоиз бажарилди, холос.

Кейин бундан баттар бўлди. Масалан, 2002 йилнинг 15 июнь кунига қадар Шаҳрисабз ароқ-шароб корхонасига 44,2 тонна олма топширилган ва 800 минг сўм ширкат ҳисобига келиб тушган. Хўжалик ҳисобчиси ҳужжат сўраганда фермер ҳам, корхона ҳам «ҳеч қандай олма топширилмаган» деб инкор қилишди. Оқибатда хўжаликнинг 796 минг сўм пули ўз-ўзидан йўқолиб колди. Бунга қаноат қилмаган А.Маҳмудов 32 тонна олмани фермер хўжалиги ҳисобидан Шаҳрисабз консерва корхонасига топшириб, пулни ўзлаштириб юборди. 18 тонна олмани «аҳолига сотилди» деб ҳужжатлаштирди. Ахир, фермер ўзига тегишли 3,1 гектар ердаги 2150 туп олма дарахтини кўпориб ташлаб, ўрнига ток эккан бўлса, тоннатонна мевани қаердан олди? Шунинг учун, ўтган йили хўжаликка бир килограмм ҳам мева топширмади, Шаҳрисабз консерва корхонаси билан 100 тонна олма сотиш юзасидан шартнома тузган ширкатимиз эса жарима тўлади ва 509 минг сўм зарар кўрди.

Қонунни оёқости қилган, ўзганинг мулкини ўзлаштирганга ҳар қандай давлатда тегишли жазо бор. Бизни бошқа масала ўйлантиради. Икки йилдан буён А.Маҳмудов ва отасининг шикоятларидан одамлар безор бўлишди. Уларнинг ёзмаган жойи қолмади. Уларнинг қилаётган ишлари на қонунга, на инсофга тўғри келади. Кўпчиликнинг ҳақига хиёнат қилдингми, бас, ҳақ-ҳуқуқингни, одамларнинг ишончини йўқотгансан. Ширкат аъзолари ноқонуний тузилган шартномани бекор қилиш ҳақида аллақачон қарор қабул қилишган...»

Имкониятдан келиб чиқиб, мактубнинг айрим қисмини келтирдик. Чунки, газетанинг 2002 йил 21 ноябрь сонида мухбиримиз Ю.Узоқовнинг «Агар судьялар ёлғон гапирса... Кимга ва нимага ишониш керак?» сарлавҳали мақоласи чоп этилган ва унда юқоридаги можаронинг айрим жиҳатлари таҳлил қилинган эди. Қисқача айтадиган бўлсак, «Китоб» ширкати ва«Диёр» фермер хўжалиги ўртасидаги келишмовчилик ва тортишувлар хўжалик судида бир неча бор муҳокама қилинган.

Яқинда (2003 йил 4 апрель) вилоят хўжалик судининг Китоб туман ҳокимлиги биносида очиқ сайёр суд мажлиси бўлиб ўтди. Судья С.Исканов раислигидаги йиғилишда «Диёр» фермер хўжалигининг «Китоб туман ҳокимлигининг айрим қарорларини бекор қилиш» ҳақидаги даъво аризаси, шунингдек, «шартномани ҳақиқий эмас, деб топиш» ҳақидаги қарши даъво аризалар кўриб чиқилди. Суд шундай хулосага келди: «Диёр» фермер хўжалигига 14,7 гектар боғни ижарага бериш ҳақида ширкат аъзолари умумий йиғилиши ва туман ҳокимлигининг қарорлари мавжуд эмас. 2000 йил 27 апрелда тузилган ижара шартномаси тегишли тартибда рўйхатдан ўтказилмаган. Даъвогарнинг боғни ички пудрат шартномаси бўйича ижарага олгани ҳақидаги важига суд қўшила олмайди. Чунки ички пудрат шартномалари тузиш ҳуқуқи хўжалик билан меҳнат муносабатида бўлган фуқароларга берилади. Фермер хўжалиги мустақил, у оилавий пудрат субъекти бўла олмайди...» Қарорда «328-сонли ижара шартномаси келажак вақт учун ҳақиқий эмас», дея қайд этилди. Вилоят хўжалик судининг судлов ҳайъати бу қарорни ўз кучида қолдирди.

Таёқнинг иккита учи бор. Буни таҳририятга мактуб йўллаган ширкат аъзолари ҳаққоний кўрсатишган: «Биз қишлоғимиз ва ширкатимизни безовта қилган воқеа ҳақида билганимизча ёздик. Бу можаронинг келиб чиқишида ширкат раҳбарлари ҳам айбдор. Чунки улар ҳеч ким билан маслаҳатлашмай катта боғни номуносиб одамга беришди. Натижада хўжалик бундан миллион сўмлаб зарар кўрди. Ёз-ёзлардан одамларнинг тинчи йўқолди. Балки келтирилган зарарнинг бир қисмини улар тўлашар?».

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими

Теннис

САМАРҚАНДДА «ЧЕЛЛЕНЖЕР» ТУРНИРИ

Шу кунларда Самарқанддаги «Динамо» теннис корти мухлислар билан гавжум. Бу ерда анъанавий «Челленжер» халқаро турнири қизғин давом этмоқда. Ушбу халқаро турнирда АҚШ, Россия, Украина, Қозоғистон, Аргентина, Сербия, Греция, Австрия, Италия, Словакия, Швеция каби дунёнинг 20 га яқин мамлакатларидан келган кучли теннисчилар ғолиблик учун баҳслашмоқда.

Анъанавий мусобақада россиялик Андрей Столяров, голландиялик Роже Жан Жульен ва ҳамюртимиз Олег Огородов сингари жаҳон теннис майдонларида етакчи ўринларни эгаллаб турган спортчиларнинг қатнашаётганлиги ушбу турнир нуфузини янада оширган.

Мукофот жамғармаси 25 минг АҚШ долларига тенг бўлган мусобақа бугун ниҳоясига етади.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ

Интер-спорт

Бекхэмнинг орзуси катта

Мадриднинг «Реал» клубида тўп сураётган Дэвид Бекхэм матбуот йиғилишида журналистларнинг саволларига жавоб бераркан, бу йилги мавсумда чемпионлар лигаси, Испания чемпионати ва мамлакат кубоги учун мусобақаларда ўзини кўрсатмоқчи эканини баён этди. «Албатта, чемпионлар лигаси клублар ўртасидаги баҳсларнинг нуфузлиси ҳисобланади, — дейди Бекхэм. — Лекин, қолган икки мусобақа ҳам биринчисидан сира қолишмайди. Шунинг учун мен учала мусобақада ўзимни кўрсатиб, мухлислар ишончини оқлашга интиламан».

Тадбиркорлик ихтиёрий, аммо...

Россия давлат спорт қўмитаси раҳбари Вячеслав Фетисов Чукотка губернатори Роман Абрамовичнинг Англиянинг «Челси» футбол клубини сотиб олганига ўз муносабатини билдираркан, Россия тадбиркорлари иложи бўлса, МХЛ хоккей жамоаларидан бирини ҳам ана шу йўл билан жалб қилишса, ёмон бўлмасди, деган фикрни айтди. «Сўзсиз, тадбиркорлик қилиш ихтиёрий, даромад ва буромад ҳам иш бошлаган соҳибнинг фаолиятига боғлиқ. Зеро, Абрамович ўз ҳудудидаги, хусусан Омскнинг «Авангард» хоккей клубининг аҳволига бир назар солса, ёмон бўлмасди», деган маънода шаъма қилди Фетисов.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)
MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)
VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98
MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
Navbatchi Ravshan SHODIYEV
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar Ikromjon ISMOILOV Elyor UBAYDULLAYEV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 762
7731 nusxada bosildi
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.30
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 119-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан бирортасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта серияси нинг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

1 Тур
81
37
41
25
31
76
22
48
65
9
Сони:1
Видеомагнитофон
Чипта рақами
10012210.3
2 Тур
44
53
80
29
78
33
5
24
26
8
43
67
57
45
14
83
70
17
52
Сони:1
Телевизор
Чипта рақами
90010173.3
3 Тур
46
28
18
51
61
2
71
12
84
72
Сони:2
Сумма:
2500000
Чипталар рақами
40002891.1
4 Тур
79
50
89
54
69
36
32
30
64
47
23
77
42
74
58
75
3
66
60
90
55
11
82
Сони:2
Сумма:
2500000
Чипталар рақами
20012374.3
50004576.2
5 Тур
86
4
Сони:2
Сумма:
2500000
Чипталар рақами
30008235.1
50011495.3
6 Тур
34
13
Сони:2
Телевизор биттадан
Чипталар рақами
10007653.1
70006479.1
7 Тур
10
Сони:3
Видеомагнитофон биттадан
40011783.2
60005207.2
90012215.1
8 Тур
68
Сони:2
Сумма:
20000
9 Тур
63
Сони:3
Сумма:
15000
10 Тур
62
Сони:5
Сумма: 10000
11 Тур
88
Сони:4
Сумма:5000
12 Тур
38
Сони:5
Сумма:2000
13 Тур
85
Сони:4
Сумма:1000
14 Тур
39
Сони:5
Сумма:900
15 Тур
16
Сони:13
Сумма:800
16 Тур
59
Сони:15
Сумма:700
17 Тур
87
Сони:17
Сумма:600
18 Тур
6
Сони:41
Сумма:500
19 Тур
15
Сони:60
Сумма:400
20 Тур
27
Сони:96
Сумма:300
21 Тур
1
Сони:123
Сумма:300
22 Тур
56
Сони:163
Сумма:300
23 Тур
49
Сони:307
Сумма:300
24 Тур
20
Сони:470
Сумма:300
Қўшимча тур
Сони:21
Сумма:900
Халтадан чиқмаган шарлар
7,19,21,35,40,73

"Лаҳзали Яхши Ният" телеўйинида иштирок этувчи шарлар рақами: 7, 19, 21, 35, 40, 73

Тўғри келганлар сони	Ютуқ сони	Сумма	Чипта рақами
4	1	5000000	50002817.1
3	30	1000	
2	863	300	
1	9505	100	

"Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2003 йил 2 октябрдаги 120- тиражида ўйналадиган супер-ютуқлар:



Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган заҳоти "Лаура" ХФ сида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кучаси, 8 уй. Мўлжал: "Украинка" дўкони. Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.

Пул ютуқлари Миробод тумани Халқ банки бўлимлари ҳамда "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереяси чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан олиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли лицензияси.

Ҳунармандчилик халқимизнинг азалий касби. Каштачилик, зардўзлик, тикувчилик, гилам тўқиш каби ҳунар сирларининг моҳир усталари авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Улар яратган турли хилдаги хонатлас, қўлда тўқилган гиламлар, чиройли сўзаналар хорижликлар эътиборидан ҳам четда қолмаяпти.

Марғилон шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Ёдгорлик» фирмаси маҳсулотларига эътибор ортиб бормоқда. Бу ерда маҳаллий хомашё — пилладан ишлаб чиқарилаётган хонатлас, шойи, адрас, бўз, гилам каби маҳсулотлар сифати, бежиримлиги ва турли-туманлиги билан ҳам харидоргирдир.

Фирма жорий йили 51269 метр атлас, адрас, бўз ишлаб чиқаришни режалаштирган.

— Фирмамиз фаолият бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ, — дейди унинг раҳбари Аъзамхон Абдуллаев. — Лекин маҳсулотларимизга талаб катта. Айни пайтда Жанубий Кореянинг «Чинал-Си» корхонаси билан шартнома тузилиб, 8400 метр шойи маҳсулотига буюртма олинди. Бу эса маҳсулотнинг сифатли ва харидорлигидан далолат беради.

Суратда: гилам тўқувчи Шаҳноза Зиёева.

Муҳимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат

Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитаси Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Маҳмуджон Расуловга акаси

Маҳамаджон РАСУЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси раҳбарияти ва жамоаси «Фарғонанефтмаҳсулот» корхонаси директори

Рустам Мукаррамович ИСМОИЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ХДП МК Котибияти академик

Эркин ЮСУПОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон файласуфлари жамияти жамоаси фалсафа фанлари доктори, академик

Эркин Юсупович ЮСУПОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Газетанинг навбатдаги сони 2003 йил 14 август, пайшанба куни чиқади